211295

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 16 декабрь, шанба. №152. (21.915). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул пайти. Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга амалий ташриф буюрган Литва Бош вазири Адольфас Шлежявичюсни қабул қилди.

Самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш, жумладан, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги, Литва бандаргоҳларидан Ўзбекистон манфаатлари йўлида фойдаланиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Марказий Осиё, Болтиқбўйи минтақаларидаги вазият, шунингдек, бошқа халқаро масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

(ЎзА).

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА СУҲБАТ

Кеча Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ)нинг Марказий Осиё билан алоқа бўйича Бюроси раҳбари Алоис Резник, унинг илтимосига биноан, қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов, самимий вазиятда ўтган суҳбатда, меҳмонга Халқ демократик партиясининг серқирра фаолияти, унинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари халқларини жипслаштиришга кўмаклашиш соҳасидаги сиёсий фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Зеро, жаҳонда хавфсизликни таъминлаш йўли, дарҳақиқат, минтақавий хавфсизликни таъминлаш орқали ўтади.

Алоис Резник дўстона қабул учун миннатдорчилик билдириб, Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёдагина эмас, айни пайтда, бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун курашда халқаро жамоатчилик кучғайратини бирлаштиришга оид ташаббусларидан зўр қониқиш ҳосил қилганлигини изҳор этди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

ЖАМБУЛ. (Ўза махсус мухбири Муҳаммад Шариф хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15 декабрь кўни Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун қўшни Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрига ташриф буюрди.

Давлатлараро кенгаш мажлисида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Президенти Аскар Акаев ягона иқтисодий маконга аъзо бўлган уч қардош мамлакат ўртасидаги 2000 йилгача мўлжалланган иқтисодий интеграция дастурининг амалга оширилиши жараёни хусусида фикрлашдилар. Дастурнинг амалга оширилишида кўмаклашиш учун Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки фаолиятини яхшилашга, мамлакатлар тараққиёти ва иқтисодий интеграция жараёнида муҳим ўрин тутувчи коммуникация тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Жамбулдан Тошкентга қайтиб келди.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИСДА МУЛОҚОТ

15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов мамлакатимизга амалий ташриф буюрган Литва Бош вазири А. Шлежявичюс билан учрашди.

Меҳмон мамлакатимиз парламентидаги фракциялар фаолияти, республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва кенг кўламдаги ўзгаришларга хизмат қиладиган қонунларни яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Учрашувда томонлар икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари М. Усмонов иштирок этди.

(ЎзА).

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Литва Республикаси Бош вазири А. Шлежявичюс раҳбарлигидаги делегация аъзолари 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ташриф буюрди.

Учрашувда Бош вазир А. Муталов Ўзбекистон билан Литва ўтасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, жумладан, енгил саноат, машинасозлик, денгиз транспорти каби соҳаларда ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш ҳар икки мамлакат манфаатларига мос тушишини таъкидлади.

Бош вазир А. Шлежявичюс ўз навбатида Ўзбекистон билан Литва ўртасидаги ҳамкорликни тараққий эттириш учун иқтисодий асос мавжудлигини таъкидлади.

Учрашув сўнггида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Литва Республикаси ҳукумати ўртасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзоланди.

Битимни имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари М. Усмонов, К. Раҳимов иштирок этди.

«Литва Республикаси Бош вазири А. Шлежявичюс раҳбарлигидаги делегация аъзолари шу куни Тошкентдаги Модалар уйига ташриф буюриб, бу ерда ташкил этилган Литва маҳсулотлари кўргазмасини кўздан кечирдилар».

(ЎзА).

АКАДЕМИЯДА ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида «Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг маънавий асослари» мавзуида давра суҳбати бўлди. Унда академия тингловчилари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек, файласуф, адабиётшунос ва ҳуқуқшунос олимлар, хорижий мамлакатлар элчихоналари вакиллари қатнашди.

Академия ректори, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев давра суҳбатини очиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат ва жамият қурилиши маънавий асосларининг акс этиши масалаларига тўхталди.

Давра суҳбатида ўтмиш меросимизда давлат, жамият, маънавият масалаларининг уйғунлиги ва такомили, Ислом маърифатининг миллий ва умуминсоний моҳияти, бозор иқтисодиёти ва маънавият каби мавзуларда маърузалар тингланди. Суҳбатда адолат-ҳуқуқий ва ахлоқий тенглик тамойили экани таъкидланди. Халқимизда юксак маънавият ва маданиятни камол топтириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр алмашинди.

(ЎзА).

Республика Вазирлар Маҳкамасида

БИЗНЕС: ТАРАҚҚИЁТ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Вазирлар Маҳкамасида 15 декабрь куни хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг мажлиси бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чжен бошқарди.

Мажлисда бир қанча вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концерн ва уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари ҳамда Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси мутахассислари иштирок этди. Майда тижорат ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек, 1995 йилда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш соҳасидаги давлат дастурларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди, келгуси йил вазифалари белгилаб олинди.

Бу ишда умуман ижобий натижалар билан бир қаторда ҳали кўпгина ҳал этилмаган муаммолар мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан мажлисда айрим раҳбарлар ҳақли равишда танқид қилинди. Нуқсонларни тезда тугатиш ва республикада иқтисодий ислоҳотларни тезлаштириш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎзА).

Иқтисодиёт олами • *Иқтисодиёт олами* • *Иқтисодиёт олами*

ЮКСАЛИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Қонликўл тумани ташкил қилинганлигининг чорак асрлик тўйи кенг нишонланди. Ўтган йилларда туман иқтисодий, ижтимоий-маданий жиҳатдан ривожланиб, йирик, шоличиликка ихтисослаштирилган, пахтадан, буғдойдан мўл-ҳосил етиштираётган туманлардан бирига айланди. Шунингдек, бу йил деҳқонлар давлатга 8 минг 900 тонна ўрнига 9500 тонна пахта, 16 минг 204 тонна шоли, 23 минг тоннага яқин буғдой етказиб бердилар.

Туманда шу йилнинг ўзида 10 та объект хусусийлаштирилди. 3 корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. 182 фермер хўжалик, 97 хусусий корхона ташкил этилди. Улар банкларда ўзларининг ҳисоб рақамларига эга бўлдилар.

Қонликўл тумани ташкил қилинганлигининг 25 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш қатнашчиларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Уббиниёз Аширбеков қизғин табриклади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

АҚЛИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЛОЗИМ

Йил бошида рўйхатга олинган «Патент-сервис» инновация маркази ихтиролар, маҳсулотларнинг саноат намуналари ва товар белгиларини патентлаш бўйича ариза беришдан бошлаб ҳимоя ҳужжатини олишгача бўлган ишларнинг бутун мажмуини ўз зиммасига олган. Зеро, Ўзбекистоннинг ақлий мулки ҳам бебаҳо маҳсулот ҳисобланиб, уни мамлакатимиз муаллифлари манфаатларини кўзлаган ҳолда моҳирона сотиш лозим.

Эндиликда «Патент-сервис» ихтирочиларимиз жонига оро бўлмоқда. Унинг мутахассислари янгилик ижодкорларига ихтироларни патентлаш, товар белгиларини ишлаб чиқишда яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар, зарур маслаҳатлар ва ахборотларни бермоқдалар. Марказ бошлиғи Аҳмаджон Боқиевнинг сўзларига қараганда, «Патент-сервис»нинг истиқболи катта. Дарҳақиқат мамлакатимиз наинки иқтисодий, балки ақлий мулкка ҳам бойдир.

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЦЕХ ЯНГИТДАН ЖИҲОЗЛАНДИ

1910 йилда Матчонбой Термизда пахта заводи қурди. Амударё қирғоғидаги тўқайдан ўриб келинган қамиш билан иссиқлик энергия ҳосил қилиб, заводни ишлатди.

Ўша завод ҳамон эски жойида — шаҳарнинг қоқ ўртасида. 50 минг тонна пахтани ишлайдиган қувватга эга. Пахта гардларидан шохларига попуклар тақилган дарахтларни кўриб кўп раҳбарлар заводни шаҳар четига олиб чиқиш устида бош қотиришди. Лекин...

Атроф-муҳитни ифлослантирмаслик учун завод жамоаси ўзларининг қўлларидан келадиган сўнгги чорани қўлладилар: пахта тозалаш цехини УКК деган дастгоҳ билан янгитдан жиҳозлаб чиқдилар. Завод директори Ш. Ўташевнинг айтишича, янги машина электр энергияни чорак фоизга тежаш имконини бермоқда. Хом ашё эса яхши тозаланмоқда.

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ФОЙДАЛИ ТАРМОҚ

Шовот туманида «Шодлик» наслдор куркачилик ҳиссадорлик жамияти тузилди. Бу ишни амалга ошириш учун Исроил давлати билан ҳамкорликда паррандачилик фабрикаси цехларига хориждан келтирилган энг янги асбоб-ускуналар ўрнатилди. Ҳозир курка боқиш йўлга қўйилди.

Шундай қилиб, «Шодлик» куркачилик ҳиссадорлик жамиятида паррандачиликнинг янги, наслдор тармоғи барпо этилди. Ҳозирги кунда бу йирик паррандачилик корхонасида ҳар куни 3 минг донага етказилиб курка тухуми олинмоқда. Айни пайтда маҳсулотнинг бир қисми Риштон ва Урганч паррандачилик хўжаликларига ҳам юбориб турилмоқда. Умуман олганда, жамият йил давомида 300 минг дона тухум, 120 тонна парранда гўшти тайёрлашни режалаштирган.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЯНГИ СУПЕРМАРКЕТ

14 декабрь куни Тошкентда «Шарқ Мир ЛТД» қўшма корхонасининг «Мир» супермаркети очилди.

Қарийб 4 минг квадрат метр савдо саҳнига эга бўлган ва қисқа муддатларда замонавий қилиб барпо этилган ушбу супермакетда турли мамлакатлардан келтирилган озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, хўжалик ва электр моллари билан савдо қилинмоқда.

Пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари учун яратилган ушбу қулайлик «Шарқ» матбааноширлик концерни ва Туркиянинг «Демир» фирмаси ҳамкорлигининг ҳосиласидир.

— Ўзбекистонда ана шундай супермаркетлар сони 2 мингтадан ошди, — деди маросимда республикамиз Бош вазири ўринбосари Мираброр Усмонов. — Улар юртимиз истеъмол бозорини маҳсулотлар билан тўлдириш, халқимиз фаровонлигини оширишда кўмаклашади.

Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Эрдўғон Айтун бу иншоот мамлакатларимиз ўртасидаги амалий ҳамкорликка ўзбек ва турк ишбилармонлари қўшган муносиб ҳисса эканини таъкидлади.

(ЎзА).

ЛАБОРАТОРИЯ ИШГА ТУШДИ

Бир автомобиль йилига ўртача 4-5 тонна заҳарли модда чиқаради. Агар бунга турли вазирликлар, идоралар, ташкилотлар автомобиллари, шунингдек шахсий автомобиллар, қўшиб ҳисобланса қанча бўлишини бир тасаввур қилиб кўринг.

Шу боисдан «Ўзавтотранс» корпорацияси қошида тармоқда нефть маҳсулотлари сифатини текширадиган янги кимёвий лаборатория ташкил этилди. Бу эса ушбу муаммоларни ҳал этишга ёрдам бермоқда.

Маъмуржон ҚИЁМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«Обуна — 96»

ГАЗЕТАСИЗ ЯШОЛМАЙМАН

Бугунда матбуотнинг аҳамиятини уқтириб утириш шарт бўлмаса керак. Чунки, у маънавиятимизни, дунёқарашимизни бойитишга, оқ билан қорани, ҳалол билан ҳаромни фарқлашимизга жуда катта қўмак беради. Буни мен ўқитувчи бўлганим учун ургу бериб айтаётганим йўқ. Бор-йўғи холисанилло фикр бу.

Бир пайтлар хонадонимиз газетага тўлиб кетарди. Сабаби улар арзон эди-да. Энди-чи? Нархлар анча ошган. Аммо бу билан матбуотни четга суриб қўйиш ғўрлик бўлур эди, бизнингча. Шу боисдан ҳозирги шароитда оиламизда ана шу муаммони ҳал қилишни келишиб олдик. Ёшим 70 дан ошган. Эсимни танибманки, «Ўзбекистон овози» мухлисиман. Шу боис пенсия пулимдан севимли газетам — «Ўзбекистон овози»га бир йилга обуна бўлдим. Фарзандларим, келинларим ҳам менган қолишгани йўқ. Ҳаммамиз жумҳуриятда чиқадиган газеталарга янги йил учун баҳоли қудрат обуна бўлдик. Хуллас, кўнглимиз хотиржам. Газета — ош эмас, ёғ эмас. Аммо унинг маълум маънодаги руҳий, маънавий кучи бор, мадади бор. Унингсиз кунлар қандайдир мазмунсиз, маъносиздек... Шундай экан, газетанинг ўзи хонадонимизга кириб келиши биз учун байрамдир.

Шамсиддин МАҚСУДОВ, Ғиждувон шаҳри.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Газетамизнинг обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

Фуқаролар учун
бир йилга — 1086 сўм,
олти ойга — 543 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга — 1210, 80 сўм,
олти ойга — 605,40 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.

Тошкент шаҳридаги обуначиларга етказиб бериш харажатлари кам бўлгани туфайли алоҳида обуна баҳоси белгиланди:

Фуқаролар учун:
бир йилга — 876 сўм,
олти ойга — 483 сўм.
Фуқаролар учун нашр индекси — 64583.

Корхона ва ташкилотлар учун
бир йилга— 1211 сўм,
олти ойга — 610 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун нашр индекси — 64588.



Ўзбекистон ХДП вилоятлар кенгашлари пленумларида

МАСЪУЛИЯТ ЗИММАДАН СОҚИТ ҚИЛИНМАЙДИ

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят Кенгашининг IX пленуми бўлиб ўтди. Унда Президент И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилояти ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда вилоят партия кенгаши биринчи котиби Ф. Омонов маъруза қилди.

Шу йилнинг 29 ноябрь куни, деди у, Президентимизнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессияси ва бундан бироз олдин, Самарқанд вилоят Кенгаши сессиясидаги нутқларида бизнинг миллий истиқлол мустақил мамлакатимиз учун яратиб берган имкониятлардан оқилона фойдалана олмаётганлигимиз, адолатсизликдан бошқа ҳар қандай қийинчиликка бардош берадиган, чидамли, сезгир халқимизнинг моддий ҳамда маънавий ҳаётини, бозор иқтисодиёти муносабатлари, демократик тартиботларга ўтиш шароитида, яхшилаш, унинг фаровонлигини таъминлаш борасида етарли иш олиб бормаётганлигимиз кескин танқид қилинди.

Хўш, Қашқадарёдаги жиддий сиёсий куч — ўзида 35 мингдан ортиқ аъзони бирлаштирган Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар, туман ва бошланғич ташкилотларининг бу соҳадаги ишлари ҳозирги кун талаблари даражасидами?

Маърузачи ҳамда музокарада сўзга чиққанлар — Чироқчи тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Амирқулов, «Қашкадарьинская правда» газетаси муҳаррири В. Соснин, Ўзбекистон ХДП Қарши, Қамаши туман кенгашларининг биринчи котиблари: Ш. Амирқулов, Ж. Расулов ва бошқалар, бу саволга «йўқ», деган фикрни билдирдилар. Ҳақиқатан ҳам вилоят партия ташкилотлари иқтисодий ислоҳотлар сиёсатини руёбга чиқариш борасида мавжуд имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланяптилар деб бўлмайди. Баъзи шаҳар, туман ташкилотларида ушбу ҳаётий, тақдириломон масалага доир узоқ муддатли дастур ёки режалар ишлаб чиқилмаган. Фуқароларни боқимандалик кайфиятидан халос қилиш, уларда янги иқтисодий тафаккурни шакллантириш ишига етарли ёрдам берилмаяпти. Масалан, Муборак, Деҳқонобод, Косон туманлари партия кенгашлари, иқтисодий ислоҳотлар даврида, ўз ишларини замон талабларига монанд олиб боролмаяптилар. Мулкчилик шаклини ўзгартирган корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг оёққа туришига кўмаклашиш кўпгина партия ташкилотлари диққат-эътиборидан четда қолмоқда. Кадрларни танлаш ва тарбиялаш ишларида жиддий камчиликлар мавжуд. Вилоятда юзага келган бундай ачинарли аҳвол учун масъулиятнинг талайгина қисми, табиийки, Қашқадарё вилоят партия ташкилотлари зиммасига ҳам тушади. Зеро, Президентимиз танқид қилган раҳбарларнинг аксарияти Ўзбекистон ХДПга дахлдор кишилар, халқ хўжалигининг эса партиямиз аъзолари хизмат қилмаётган биронта соҳаси йўқ ҳисоб.

Сиёсий вазият Президентимизнинг Самарқанд ва Қаршидаги нутқлари ўзанида партиявий ўйимиздаги аҳволни чуқур таҳлил этиб, тўғри хулосалар чиқаришни тақозо этмоқда. Аҳволни ўрганиш Қашқадарё вилоят партия ташкилотида ички партиявий интизом талаблар даражасида эмаслигини кўрсатди. Чунончи, қабул қилинган қарорлар ижросини назорат этиш ва вақти-вақти билан таҳлил қилиш қониқарсиз йўлга қўйилган. Масалан, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўмининг 1995 йил 3 июлдаги «Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят ташкилотларининг иқтисодий ислоҳотлар сиёсатини амалга оширишдаги иштироки тўғрисида»ги ҳужжати вилоят партия кенгашида ҳозиргача кўрилмай, келинди. Шу ўринда табиий савол туғилади: қарор вилоят партия ташкилоти миқёсида муҳокама қилинмаса, вазифалар аниқланмаса, у жойларда бажариладими? Албатта, йўқ. МК Котибиятининг партиямиз матбуот нашрларига обунани ташкил этиш ҳақидаги қарори ижросини олайлик. Вилоят партия ташкилотлари етакчиларининг эътиборсизлиги туфайли ушбу муҳим ҳужжатнинг бажарилиши ҳам Қашқадарёда амри маҳолга ўхшайди.

Масъул лавозимлардаги партия аъзолари ёки партиямиздан депутат этиб сайланганларнинг ҳисобот ва ахборотлари бу ерда мунтазам эшитиб борилмайди. Кейинги икки йилда вилоят партия кенгаши ижроия бюроси мажлисида раҳбарлик мартабасидаги атиги 5 нафар депутатнинг, ХДП аъзоси сифатида, ўз вазифасини қандай адо этаётганлиги ҳақидаги ҳисоботи тингланганлиги шундан далолат беради.

Партиявий интизомнинг бўшаштириб юборилганлигининг ташкилотларимизнинг молиявий аҳволига салбий таъсир кўрсатиши табиийдир. Қашқадарёда партия аъзолик бадалларини тўплаш, ХДП бюджети ижросини таъминлаш, ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини ривожлантириш борасида ҳам камчиликлар талайгина. Жумладан, Баҳористон, Муборак, Нишон туман кенгашларининг молиявий аҳволи оғир. Уларнинг раҳбарлари боқимандалик кайфиятидан қачон қутиладилар, қачонгача «олма пиш, оғзимга туш» қабилида иш тутадилар? Булар ва партия ички интизомига оид бошқа масалалар хусусида ҳам пленумда ташвишланиб гапирилди.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларидаги нутқларида олга сурилган қоида ва хулосаларни бундан кейинги фаолиятлари учун дастуриламал сифатида қабул қилдилар. Шундан келиб чиқиб, пленум Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг вилоят ташкилотлари, уларнинг етакчилари иқтисодий ислоҳотлар тақдирига, кишилар турмушига, раҳбар кадрлар масъулиятига нисбатан бефарқ бўлишлари мумкин эмас, деб алоҳида уқтирди. Одамларни қийнаётган муаммолар ечимини топишга кўмаклашиш, аҳолидан тушаётган шикоятларни мунтазам умумлаштириб бориш, уларнинг ижобий ҳал этилишига эришишнинг барча чора-тадбирларини кўриш — энг муҳим вазифалардан бири, деб таъкидланди унда. У вилоятдаги ХДП барча ташкилотлари ва аъзолари диққатини иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга қўшилаётган ҳиссани кўпайтириш, бунинг учун ушбу соҳадаги камчиликларни тезроқ бартараф этиш ҳамда бор имкониятларни тўла ишга солишга қаратди. ХДП аъзоси бўлган раҳбарлар, мутахассислар, ишчи-хизматчилар, деҳқонлар, чорвадорлар, тадбиркорлар, зиёлиларнинг ислоҳотларда бевосита иштирокини янада кенгайтириш зарурдир.

Пленум партиямиз ташкилотлари зиммасига уларнинг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия идоралари билан ўзаро муносабатларида партиядошлик, биродарлик, манфаатлар муштараклигини юксак даражада англашга асосланган тамойиллар, халқимизнинг инсоний аҳлоқ-одоб борасидаги олижаноб фазилатлари ҳукмрон бўлишлигига эришиш вазифасини юклади. Ҳокимликларни, корхона, хўжалик, муассасалар раҳбарларини эса, ўз фаолиятларида, партиямиз тегишли ташкилотлари, кенгашлари салоҳиятидан кенг фойдаланиш, уларнинг куч ҳамда тажрибасига кўпроқ таянишга даъват этди. Зеро, бугунги кунда, сиёсий партияларга, жумладан, жамиятимизнинг нуфузли сиёсий кучи — ХДП, унинг ташкилотларига муносабат, — бу — жойлардаги раҳбарларнинг мамлакатимизнинг демократик тараққиёти тақдири, диёримизда фуқаролик жамияти барпо этиш иши, ҳаётимизнинг бунга оид тегишли қонуний меъёрлари, юртбошимизнинг диёримизда амалдаги кўппартиялиликни, бунинг давлат сиёсатига таъсирини ошириш борасида олиб бораётган саъй-ҳаракатларига муносабат, демак-ки, уларнинг сиёсий етуклигининг узига хос мезонидир. Шу боис, партия кенгашлари ва ташкилотлари ҳокимликларга ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида етилган муаммолар ечимини топиш юзасидан тавсиялар бериб туришлари зарурдир.

Ислоҳотларни амалга ошириш, фуқароларнинг самарали меҳнат қилиши, муносиб ҳаёт кечириши учун қулай шарт-шароитларни яратиб бериш, кўп жиҳатдан, халқ сайлаб қўйган депутатлар фаолиятига боғлиқдир. Афсуски, вилоятдаги кўпгина шаҳар ва туман кенгашлари ХДП рўйхатидан ўтган депутатлар ишини тўғри йўлга қўя олмаяптилар. Депутатлик қабулхоналари ишламаяпти. Меҳнаткашларни қабул қилиш кўнгилдагидек эмас. Партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатлар билан ишлашни яхшилаш — биринчи галдаги вазифалардандир.

Муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. П. Бердиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у Ўзбекистон ХДП вилоят Кенгаши иккинчи котиби вазифасидан озод қилинди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Қашқадарё бўлими бошлиги бўлиб ишлаб келган Р. Ражабов вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов ва вилоят ҳокими О. Пармонов пленумда нутқ сўзладилар.

И. КАРОМОВ,
Э. ХЎЖАЕВ.

ИШЧАНЛИК ВА ТАЛАБЧАНЛИК РУҲИДА

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят Кенгаши XII пленумига бир қатор туман ҳокимларининг ўринбосарлари, бошланғич партия ташкилотлари котиблари, халқ таълими муассасаларининг раҳбарлари, партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатлар ҳам таклиф этилди. Анжуман қатнашчилари Президент И. А. Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларидан Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят партия ташкилотларининг келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилдилар. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши биринчи котиби Р. Облоёров маъруза қилди.

Маълумки, юртбошимиз Самарқандда бўлганида, мустақил мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётини шакллантириш ва демократик ҳаёт тарзини барпо этишга қаратилган туб иқтисодий, ижтимоий, маънавий ислоҳотларнинг бу ерда давр талабларидан орқада қолаётганлигини кескин танқид қилди. Дарҳақиқат, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ хўжалиги барча тармоқларини, маориф, маданият, соғлиқни сақлашни ривожлантириш, эҳтиёжманд кишиларни ижтимоий ҳимоялаш, аҳолини сифатли ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш ишлари, хуллас, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ислоҳотлар тўсиқларга учраб, оқсамоқда. Қонунларга тўлалигича риоя қилинмаяпти. Президент фармонлари, ҳукумат қарорларини бажариш талаблар даражасида эмас. Пленум Президентимизнинг Самарқанддаги бундай аҳволга берган баҳосини ўз сафларида 38 мингдан зиёд ХДП аъзосини бирлаштирувчи вилоят партия ташкилоти фаолиятига ҳам тўла-тўкис тааллуқли, деб ҳисоблади.

Вужудга келган вазиятнинг бош сабабини, жумладан, ислоҳотлар ишига раҳбарлик қилиш, кадрлар сиёсатидан излаш лозим. Одамлар, дейилди пленумда, вилоят партия кенгаши ижроия бюроси ҳамда унинг жойлардаги тузилмалари турмушимизнинг бугунги аҳволи, кўп жиҳатдан, боғлиқ бўлган раҳбарлик лавозимидаги партия аъзолари ҳисоботларини эшитишга нима сабабдан эътибор бермаяпти, деб сўрашмоқда. Вилоятда саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, истеъмол моллари ишлаб чиқариш кескин камайиб кетишининг олдини олиш мақсадида тезкор чоралар кўрилмаганлиги учун кимлар жавоб беради? Нега транспорт, алоқа тармоқлари ёмон ишлаяпти, жиноятчилик, порахўрлик кўпайиб бораяпти, партия ташкилотлари эса, бундай ишларга қарши курашнинг таъсирчан чораларини кўрмаяптилар? Ахир, И. А. Каримовнинг жамоат ташкилотлари нима билан шуғулланмоқда, деб сўраши бевосита ХДПга ҳам тааллуқли-ку! Негаки, вилоят партия ташкилотларининг етакчилари, фаоллари, уларга маслакдош кишилар бу ерда тўпланиб қолган муаммолар юзасидан, вақтида, тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига ўз таклифларини киритмадилар. Энг ачинарлиси, вилоят партия кенгаши ижроия бюроси сўнгги икки йилда ХДП аъзоси бўлган биронта раҳбарнинг ҳисоботини эшитмади. Агар улар тез-тез тингланганда эди, балки, айрим камчиликларнинг олдини олиш мумкин бўлармиди, баъзи бир раҳбарлар нотўғри қадамлар қўйишдан сақлаб қолинармиди? Самарқанд вилоятида партиямиздан сайланган депутатлар фаолиятини йўналтириш, уларга ўз бурчларини адо этишга кўмаклашиш, улар томонидан фуқароларни қабул қилишни ташкил этишда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд.

Фуқароларнинг партиямизга ишониб, унинг номзодларига билдирган юксак ишончини оқлаш, меҳнаткашларнинг хат ва шикоятлари билан ишлашни янада яхшилаш, уларда кўтарилаётган долзарб муаммолар ечимини топишга эришишнинг барча чора-тадбирларини кўриш — партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан биридир, дейилди пленумда.

Вилоят партия ташкилотлари фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар улар олиб бораётган ишлар доираси ҳамда савиясининг бугунги кун талабларига тўла жавоб бермаслиги билан боғлиқдир. Маъруза муҳокамасида қатнашган «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси А. Мелиев, Ўзбекистон ХДП Самарқанд ва Каттақўрғон туманлари кенгашлари биринчи котиблари Р. Ҳамроқулов, Б. Шомаматов, Самарқанд шаҳридаги 45-мактаб директори И. Афанасьева ва бошқалар вилоят, шаҳар, туман кенгашлари фаолиятида оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларнинг мунтазамлилиги етишмаётганлигини қайд этиб ўтдилар. Кенгаш раҳбарлари ва фаоллар жамиятдаги у ёки бу муаммоларни ҳал этишда ташаббус кўрсатмаяптилар. Бир қатор туманларда, чунончи, Ургут, Тойлоқ, Нуробод, Пахтачида партия сафига қабул анча камайиб кетди. ХДП марказий матбуот нашрларига 1996 йил учун обуна, айниқса, Булунгур, Иштихон, Каттақўрғон, Нарпай, Пастдарғом, Пайариқ туманларида қониқарсиз ташкил қилинган. Партия Марказий Кенгаши Котибиятининг бу ҳақдаги қарорлари ижросининг ёмонлиги яқинда Котибият йиғилишида кескин танқид қилинганига қарамай, у, хавф остида. Марказий Кенгаш XIV пленумининг ХДП ҳудудий ташкилотларини тузишга жиддий эътибор бериш кераклиги хусусидаги кўрсатмаси бажарилмаяпти. Шу боис, бир қанча туманлардаги маҳаллаларнинг ярмидан кўпида ҳанузгача ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари йўқ.

Кейинги пайтларда вилоятда аъзолик бадалларини тўплаш топшириқлари уддаланмаяпти. Бир қанча шаҳар ва туман партия кенгашлари ишлаб чиқаришхўжалик фаолиятини ривожлантириш масаласи билан астойдил шуғулланмаяптилар. Оқибатда, Нарпай, Нуробод, Пайариқ, Жомбой, Ғузалкент, Иштихон, Оқдарё, Пастдарғом, Пахтачи, Челак каби туман партия кенгашларининг молиявий аҳволи оғирлашиб кетди. Бу — кўпгина партия кенгашлари етакчиларининг боқимандалик кайфиятидан ҳануз қутула олмаганликлари асоратидир. Ахир, улар қачонгача мавжуд бино ва техника воситаларини ижарага бериб, ими-жимида кун ўтказишмоқчи?!

Пленум юртбошимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларида сўзлаган нутқларида ўртага қўйилган вазифаларни Ўзбекистон ХДП вилоят ташкилотларининг бундан кейинги фаолиятида, дастуриламал сифатида, сўзсиз бажариш учун қабул қилди.

Пленумда ижтимоий ҳаётимиз муаммоларини ҳал этиш партиямиз ташкилотлари, кенгашларининг давлат ҳокимияти вакиллик ва ижроия идоралари, корхона, муассасалар бошқаруви, уларнинг раҳбарлари билан, носоглом муросасозликни истисно этувчи, маҳамжиҳатликда ишлашларига бевосита боғлиқ эканлигига эътибор қаратилди. Партия ташкилотларининг ҳокимликларга ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида етилган масалалар юзасидан тавсиялар бериб туришлари зарурлиги уқтирилди. Айни пайтда, давлат ҳокимияти вакиллик, ижроия идоралари, ҳокимларнинг ўз фаолиятларида партиямиз ташкилотлари, кенгашлари салоҳиятидан унумли фойдаланиш, уларга таянишнинг муҳимлиги таъкидланди. Зеро, мамлакатимизнинг демократик тараққиёти тақдири унда амалдаги кўппартиялиликнинг ривожи, фуқаролик жамиятини қуриш билан пайванд экан, демак, мавжуд сиёсат партияларга, хусусан, ХДПга, унинг ташкилотларига жойлардаги муносабат, бу — Президентимизнинг мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлари, Конституциямиз, қонунларимизнинг тегишли меъёрларига бўлган муносабатнинг ўзидан бошқа нарса эмас.

Пленум кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди. Унда вилоят партия ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этиш, юртбошимизнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари Кенгашлари сессияларидаги нутқларидан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Пленумда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов нутқ сўзлади. Пленум ишида Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари А. Бўтаев қатнашди.

Ф. ТОШЕВ,
Х. САЪДУЛЛАЕВ.

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ!

1995 йил 21 декабрь куни Тошкент вилоят Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси, республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент вилояти бўлими Паркент тумани ҳокимлигида

КИМ ОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗАДИ

1. Шампань қишлоғидаги 8 та ер участкаси. Ҳар бири 400 кв. м.
Бошланғич нархи — 5600 сўм.
2. Қорақалпоқ қишлоғидаги 6 та ер участкаси, ҳар бири 400 кв. м.
Бошланғич нархи — 5600 сўм.
3. Чангли қишлоғидаги 10 та ер участкаси. Ҳар бири 600 кв. м.
Бошланғич нархи — 8400 сўм.
4. Бойқозон қишлоғидаги 10 та ер участкаси. Ҳар бири 400 кв. м.
Бошланғич нархи — 5600 сўм.
5. Паркент шаҳри Чўққайма массивидаги 12 та ер участкаси. Ҳар бири 400 кв. м.
Бошланғич нархи — 9920 сўм.
6. Паркент шаҳри Бўзанжир мавзесидаги 6 та ер участкаси. Ҳар бири 400 кв. м.
Бошланғич нархи — 9920 сўм.
7. Паркент шаҳри Куйганток мавзесидаги 10 та ер участкаси. Ҳар бири 400 кв. м.
Бошланғич нархи — 9920 сўм.
8. Паркент туманида 11—26 ТШС рақамли УАЗ-452 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 41784 сўм.
9. Паркент туманида 25—74 ТШС рақамли ГАЗ-52 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 41400 сўм.
10. Паркент туманида 04—80 ТШП рақамли ГАЗ—52 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 23520 сўм.
11. Паркент туманида 12—18 ТШП рақамли ГАЗ—53 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 25590 сўм.
12. Паркент туманида 03—67 ТШП рақамли ГАЗ-53 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 27720 сўм.
13. Паркент туманида 73—64 ТШП рақамли ГАЗ-53 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 23000 сўм.
14. Паркент туманида 19—71 ТШХ рақамли ГАЗ-53 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 31880 сўм.
15. Паркент туманида 17-97 ТШП рақамли ЗИЛ—ММЗ маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 37596 сўм.
16. Паркент туманида 14—43 ТШП рақамли КАЗ-608 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 68680 сўм.
17. Паркент туманида 22-36 ТШП рақамли КАЗ-608 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 73970 сўм.
18. Бинокор қўрғонида 80—41 ТШБ рақамли ГАЗ—5204 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 35880 сўм.
19. Бинокор қўрғонида 79-65 ТШБ рақамли ГАЗ-5312 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 38640 сўм.
20. Бинокор қўрғонида 79—63 ТШБ рақамли ГАЗ—5312 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 38640 сўм.
21. Бинокор қўрғонида 79—66 ТНБ рақамли ГАЗ-5312 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 29172 сўм.
22. Ўрта Чирчиқ туманида 09—62 ТШН рақамли ЗИЛ — 130 В маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 3600 сўм.
23. Ўрта Чирчиқ туманида 44—88 ТШС рақамли ИФА-В50 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 46800 сўм.
24. Ўрта Чирчиқ туманида 14-48 ТШК рақамли ММЗ-555 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 31080 сўм.
25. Ўрта Чирчиқ туманида 14—84 ТШС рақамли ГАЗ-53А маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 30240 сўм.
26. Янгиобод шаҳрида 19—63 ТШС рақамли ГАЗ—2411 маркали автомашина.
Бошланғич нархи — 59064 сўм.

Ушбу ким ошди савдосида 50 дан ортиқ қурилиши тугалланмаган иншоотлар ва биноларнинг ҳам қўйилади.

Уларнинг бошланғич нархи — 200000 дан 6000000 сўмгача.

Аризалар қуйидаги манзилгоҳда қабул қилинади.

Тошкент шаҳар, Хоразм кўчаси, 51 уй. 3-қават. (Музей биносида).

Паркент тумани (туман ҳокимлиги биносида, хусусийлаштириш бўлимида). Ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача.

Мурожаат учун телефонлар:
Тошкент шаҳрида 36-27-70. Код: (3712).
Паркент туманида 22-851. Код: (272)

КИМ ОШДИ САВДОСИ ПАРКЕНТ ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА 21 ДЕКАБРЬ КУНИ СОАТ 11.00 ДА БОШЛАНАДИ.

АННА ШИХИ ХОТИРАВИЙ КУТУБХОНАСИ

Куни кеча Буюк Британиянинг тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «БАТ Индастриз» компаниясининг раиси жаноб Патрик Шихи Ўзбекистонга келди.

У Ўзбекистондаги йирик хорижий сармоядор бўлмиш тамаки компаниясининг раҳбари сифатида «ЎзБАТ» қўшма акционерлик жамияти корхонасида бўлиб бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Жаноби Патрик Шихи қўшма корхонанинг келажаги билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди ҳамда Ғарб мамлакатларининг сармояларини Ўзбекистонга жалб қилиш тадбирларини баён этди.

Шунингдек, Патрик Шихи Тошкентдаги Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетига ўзининг марҳума синглиси Анна Шихининг ёдгорликларини топширди. Анна Шихи собиқ Совет Иттифоқини, айниқса Марказий Осиё Республикаларини тадқиқ этган таниқли олимлардан бири эди.

— Анна Марказий Осиёнинг, чунончи ғўзал мамлакатингизнинг мафтуни эди, — деди жаноб Патрик Шихи. — У сизнинг тилингизни мукаммал ўрганган эди. Айниқса, мамлакатингиз тарихи, анъаналари ва бугунги кундаги воқеаларни ўрганишда тенги йўқ билимдон эди.

Анна Шихи ёдгорлик кутубхонасининг асосини ўзи ёзган китоблар, эссе ва мақолалар ташкил этади. Келажакда бу ҳутубхона бошқа ғарб нашрлари билан бойиши кутилмоқда. Ана шу мақсадни амалга ошириш учун жаноб Патрик Шихи ўз ҳисобидан 10 минг фунт стерлинг миқдорида маблағ ажратди. Ушбу маросимда Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Барбара Логан Хей хоним иштирок этди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

Беларусь Республикаси Бош вазири Михаил. Чигир бошчилигидаги ҳукумат делегацияси расмий ташриф билан Украинага келди. Украина Ташқи ишлар вазирлигининг маълум қилишича, ташриф давомида икки мамлакат ўртасида сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш, ёшлар сиёсати борасида ҳамкорлик, Украина-Беларусь чегарасида қўшма назорат пунктлари ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланади.

x x x

Чеченистондаги вазият ҳамон мураккаблигича қолмоқда. Грозний ва унга яқин туманларда Россия федерал қўшинлари билан Жоҳар Дудаев тарафдорлари ўртасидаги отишмалар тез-тез такрорланиб турибди. Сўнгги отишмаларда беш нафар Россия ҳарбий хизматчиси яраланган, биттаси ҳалок бўлган. Жоҳар Дудаев тарафдорларидан саккиз нафари ўлдирилган.

x x x

14 декабрь куни Чеченистонда республика раҳбари ва Россия Давлат Думасига муддатидан олдин сайлов бошланди. Республика сайлов қўмитаси раиси А. Арсахановнинг таъкидлашича, Чеченистондаги мураккаб вазият ҳисобга олинган ҳолда муддатидан аввал сайлов ўтказилмоқда. Республика раҳбари лавозимига 3 номзод кўрсатилган. Улар — тарих фанлари номзоди, мустақил сиёсий - ижтимоий газета муҳаррири Мавсар Адуев, ҳозирги ҳукумат раҳбари Доку Завгаев, ҳамда матбуот, нашр ва полиграфия давлат қўмитаси раиси Лечи Салиговдир.

x x x

Россиянинг Вьетнам аэропорти яқинида ҳалокатга учраган 3 та СУ-27 самолётини қидириш ишлари ҳозирча ҳеч бир натижа бермади. Мазкур самолётлар Малайзияда бўлиб ўтган «Лима-95» ҳарбий авиация кўргазмасида иштирок этиб, ватанига қайтаётган эди. Ҳалокат сабабларини ўрганиш учун Россия ҳарбий ҳаво кучлари мутахассисларидан иборат комиссия Вьетнамга келди. Учувчиларнинг тақдири ҳақида хабар тарқатилмаган.

x x x

Покистон ҳукумати БМТнинг Кашмир водийсидаги Ҳиндистон ва Покистон ҳудудини ажратиб турган назорат чизиғида вазиятни кузатиш бўйича ҳарбий миссияси ходимини мамлакатдан чиқариб юборишга қарор қилганини билдирди. Исломободдан олинган маълумотларга қараганда, ҳукумат Д. Ричардсон ва унинг хотини дипломатия миссияси ниқоби остида Покистон ҳудудида учинчи давлат фойдасига жосуслик фаолиятини олиб борган.

x xx

Шимолий Корея ва Корея энергетикаси тараққиётига кўмаклашувчи ташкилот (КЭДО) Пхеньянга сувда ишлайдиган ядровий реакторларни етказиб бериш ҳақидаги шартномани имзолаш борасида музокараларни ниҳоясига етказди. Ушбу музокаралар КХДР ядро муаммосини бартараф этиш борасидаги Америка-Шимолий Корея келишуви доирасида амалга оширилди. Томонлар шу ҳафта ичида ҳужжатни имзолашни режалаштирмоқдалар.

x x x

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сешанба кунги ялпи мажлисида асосан, ядровий қуролсизланиш масалалари юзасидан 48 та резолюция ва 3 та қарор қабул қилинди. Бош Ассамблея 1996 йилда ядро синовларини бутунлай тақиқлаш ҳақидаги ҳужжатнинг имзоланишини, барча давлатларнинг ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномага қўшилишини ҳамда фазода қуролланиш пойгасининг олди олинишини бу соҳада амалга ошириладиган асосий ишлар деб эълон қилди.

ЯМАН АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ. XVIII асрда қурилган «Самсарат ал-Нуҳас» биноси. Яқинда қайта таъмирланган бу бино ҳозир ҳунармандчиликни ривожлантириш марказига айланган.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

«КАНАДА»НИ КИМ КАШФ ЭТГАН?

1534 йили француз капитани Жак Картье «Эсперанс» кемасида ҳали ҳеч кимнинг қадами тегмаган Авлиё Лаврентий дарёси бошланғич нуқтасига сузиб боришга аҳд қилади.

Оқим бўйича юқорига кутарилгач, у дарёнинг қулай жойида қиргоққа кемани тўхтатди. Кейинчалик айни шу ерда Квебек шаҳри қад ростлаган. Хуллас, французлар Америка заминида ҳиндулар жойлашган тоғ ён бағридаги ғўзал масканга келиб қолишади. Бу ернинг табиатига мэфтун бўлган Жак Картье уни «Монреаль» (Шоҳона тоғ) деб атайди.

Капитан бу ердаги аборигенлардан дарё оқимининг юқори қисмида нима бор деб сураганида, ҳиндулар «Канада» деб жавоб беришади. Бу маҳаллий ҳиндулар тилида «одамлар ўрнашган жой» деган маънони англатаркан. Кейинчалик «Канада» сўзи бир бутун мамлакатнинг номига айланиб кетган, — деб хабар беради французларнинг «Пуркуа па» журнали.

ОЛМАНИ ОЛМА ДЕЙСИЗ, ЛЕКИН...

Нотўғри овқатланиш туфайли одам организми кўпроқ касалликка чалинишини яхши биламиз. Лекин доим ҳам буни эсда тутмаймиз. Бутун ҳинд тиббиётчилари эса инсон соғлигини яхшилашда оддий олманинг аҳамияти беқиёс эканлигини аниқлашди. Уларнинг фикрича, бир кунда битта олма истеъмол қилиб борилса, кейинчалик кўпгина касалликлардан ҳоли бўлиш мумкин экан. Масалан, овқатланишдан олдин биттадан олма ейишни одат қилиб олинса ангинадан қутилиб, организмда қон айланиши яхшиланаркан. Хуллас, олмани олма деймизу, лекин унинг фойдали хосиятларини ҳам билиб қўйсак ёмон бўлмас экан.

АСФАЛАСОФИНДАН ҚАЙТГАН ЭР

Уфа шаҳрилик Н. исмли аёл эрта тонгда уйига қайтган ўз эрини кўриб ҳайратдан қотиб қолди. Негаки, унинг эри шериклари билан бирга дарёга балиқ овлаш учун жўнаганди. Лекин уч соат ўтар-ўтмас ҳамтовоқлари қайтиб келишиб, Н.га эри уларнинг кўз олдида муз ёрилиб, дарёга чўкиб кетганлигини айтишганди-да.

Бахтиқаро хотин кун бўйи йиғлаб, милицияга хабар қилишни ҳам унутиб қўяди. Эртасига эса эшик қўнғироғидан уйғонган Н. хоним уй остонасида хушчақчақ кайфиятдаги эрини кўриб, кўзларига ишонмайди. Маълум бўлишича, муз ёрилиб, сувга тушиб кетган эри оқим дарёнинг саёз жойига чиқариб ташлаган.

Буни кўриб қолган шу атрофдаги хонадон соҳиблари «балиқчи» эрни қутқаришиб, иссиқ кийим ва ароқ билан сийлашибди.

(Чет эл ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 18

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Ҳафтанома».
8.00 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 «Компьютер-шоу». Телевизон танлов.
9.15 «Олатовнинг кумуш мугузи». Бадиий фильм.
10.30 «Сахро фидойилари». «Қоракўл» жамоа хўжалиги ҳақида.
11.00 «Чодир жамол». Республика қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.35 — 12.15 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада симфоник оркестрининг концерти.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
Публицистик кўрсатувлар дастури:
18.10 I. «Мувозанат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 II. «Моҳият».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 III. «Қуёш юрти».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.40 «Оқ бино оқшомлари». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Таҳлил». Ахборот кўрсатуви.
19.15 «Алламбало».
19.40 «Спорт-тайм».
20.10 — 22.40 «Туркистон — умумий уйимиз». Марказий Осиё халқлари маданияти форуми.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Номаълум Бухоро». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10 — 21.40

***

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.45 Т. Қурбонов. «Рапсодия». Навўий номидаги Давлат академик Катта театрининг симфоник оркестри ижро этади.

ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

«ОМАД» таништиради:

19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 Эълонлар.
20.50 «Қурьер».
21.10 «...яна об-ҳаво ҳақида».
21.20 «Постфактум».
21.30 Эълонлар.
21.35 — 23.15 Видео — «О».

СЕШАНБА, 19

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 «Нурли сиймолар». Кинодастур.
9.20 «Қизлар гулдастаси».
9.50 Немис тили.
10.20 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
11.20 «Умр мазмуни». Техника фанлари доктори, профессор Ёлқин Соатов.
11.50 «Ҳовлимиздаги стадион».
12.10 — 12.40 «Ўқитувчилар, Сизлар учун!».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Санъат ғунчалари».
18.40 «Ҳаракатда — баракат». Тўрақўрғон тумани «Ниҳол» кичик корхонаси.
19.00 «Мозийдан садо».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Маърифат бешиги». Қўқон педагогика билим юрти — 75 ёшда.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессияси олдидан. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлар лойиҳаларининг муҳокамаси.
21.30 «Мақом кечаси». «Насрулло ий» туркуми.
22.30 «Сиз кутган дақиқалар». Ўзбекистон халқ артисти Гулчеҳра Жамилова.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 01.05 «Интеграл». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
18.45 «Табиат дунёси».
19.35 «Ҳусусийлаштириш: қадам-қадам».
19.55 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.50 «Теле-ателье-шоу».
23.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
23.40 — 24.00 «Видеогид».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тоғ капалаклари». Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.50 «Бу ажиб дунё».

ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.15 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.15 — 22.15 «Соккер-клуб». Футбол шарҳи.

ЧОРШАНБА, 20

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 «Сиз кутган дақиқалар». Ўзбекистон халқ артисти Гулчеҳра Жамилова.
9.25 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб...».
10.05 «Мактабимиз — фахримиз». Тошкент шаҳридаги 82-мактаб ҳаётидан лавҳалар.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ботаника.
11.00 «Гулистон» журнали — бизнинг меҳмонимиз».
11.30 «Ёшлар куйлаганда».
12.00 — 12.45 «Ватанпарвар».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 «Биламиз-у, аммо...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Тафаккур ёлқинлари».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессияси олдидан. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси лойиҳаларининг муҳокамаси.
21.35 «Кўз тутарман». Аҳмаджон Дадаев куйлайди.
22.05 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
23.05 «Чотқол спектрлари», «Чимён. Йил фасллари». Манзарали фильмлар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.40 «Сулола». Кинокўрсатув.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Қувноқ суҳбат».
19.30 «Фильмлар ва тақдирлар».
20.15 «Нозик туйғулар».
21.00 «Тошкент оқшомида».
22.00 — 23.20 «Кинематограф».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Нега қиш бўлади?». Фильм-концерт.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.00 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 00.15 «Табиат дунёси».

ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

«ОМАД» таништиради:

19.55 Эълонлар.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50—23.50 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

ПАЙШАНБА, 21

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 «Сулола». Кинокўрсатув.
9.30 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
10.05 «Қўшиқ сеҳри». Раҳимжон Исмоилов.

Ўқув машғулотлари:

10.30 География.
11.00 «Тасвирий санъат» . Натюрморт.
11.30 Умумий биология.
12.00 «Дон — ризқ-рўзимиз».
12.10 — 14.00 «Маърифат» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Сеҳрли мўйқалам».
18.30 «Ишбилармон». «Венус—Америка» қўшма корхонаси фаолиятидан.
18.40 «Туркистон — умумий уйимиз».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Юзма-юз». Ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов билан мулоқот.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида.
22.30 Санъат усталарининг концерти.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.30 «Унутилмас сатрлар». Васли Самарқандий.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 Болалар учун фильм. «Юра даври боғидаги саргузашт».
19.00 «Оламнинг яратилиши».
19.30 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 — 22.45 «Кинонигоҳ».

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Шоир, олим, мутафаккир». Алишер Навоий. Телефильм.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 24.00 «Спорт-тайм».

ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Фармон ва ижро».
20.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.20 «Манбалар».
22.00 «Безнен мирас» (татар тилида).
22.45—23.30 «Рангинкамон» (тожик тилида).

ЖУМА, 22

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 «Унутилмас сатрлар». Васли Самарқандий.
9.10 «Аёл борки, олам мунаввар».
9.45 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».

Ўқув машғулотлари:

10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 — 12.00 Математика.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Доно бобо даврасида».
18.40 «Шеърий дақиқалар». Шавкат Раҳмон.
18.50 «Нурчиларга бахшида қўшиқлар». Энергетиклар кунига бағишланади.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Эълонлар.
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Алпомиш авлодлари». Спорт кўрсатуви.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IV сессиясида.
22.30 Сессия қатнашчилари учун концерт.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.50 — 00.30 «Ижодкор портретига чизгилар». Режиссёр Б. Аҳмедов.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Ёшлар ижро этадилар.
19.00 «Билиб қўйган яхши».
19.25 «Самарали изланишлар».
19.55 «02» тўлқинида.
20.20 «Бизнес-академия».
20.45 — 22.25 «Комиссар Берлахнинг сўнгги иши». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Кино ва мусиқа». Киноконцерт.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.30 — 9.00

***

18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 Янгиликлар.
23.30 — 23.55 «Жонли сайёра».

ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».

*

«ОМАД» таништиради:

19.55 «Автосалон».
20.15 Видео янгиликлари.
20.35 «Теле-ателье-шоу».
20.45 Эълонлар.
20.50 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.40 Эълонлар.
21.45 «Даракчи».
21.55 Эълонлар.
22.00—23.40 Видео — «О».

ШАНБА, 23

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 «Самода очилган юлдузлар». Спорт дастури.
9.00 «Мерос». Замаҳшарий.
9.50 «Оламни асранг».
10.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».
11.20 «Бир соатлик халифа». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли.
13.15 — 15.00 «Маънавият» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.40 Спорт хабарномаси.
18.50 «Шарқнинг мумтоз мусаввири». Камолиддин Беҳзод.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 Оқшом эртаклари.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Эълонлар.
20.15 «Мен қайтиб келгунча». Катталар учун мультфильм.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Тановарлар кечаси». Мусиқий дастур.
21.55 Ш. Бошбеков. «Эшик қоққан ким ўзи?». Видеофильм.
23.25 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.15 «Табиат дунёси».
10.05 «Хусусийлаштириш: қадам-қадам».
10.25 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20 «Теле-ателье-шоу».
13.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
14.10 — 14.30 «Видеогид».

***

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Усто».
19.40 «Менинг кўчам».
19.55 «Қишлоқ ҳовлиси-95». «Дастурхон ёки чинозлик миллионер».
20.25 «Майда-чуйда».
20.45 «Хонадонингиз осойишта бўлсин!».
21.45 — 23.05 «Кинематограф».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Тоғлар чорлайди», «Жанубдаги боғ».

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 21.40

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.40 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 — 23.45 «Осиё овози» меҳмонларни кутмоқда. 2-кўрсатув.

ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Эллада».
11.00 «Кашф этилаётган имкониятлар». Бухоро вилоятида транспорт корхоналарини хусусийлаштириш ҳақида.
11.20 «Муҳаббат юлдузи». Болалар учун фильм. 2-серия.
12.30—13.20 «Замандас» (қозоқ тилида).

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мультқарусель».
19.55 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.15 «Монитор — Осиё».
21.00 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.10 «Ёдгорлик».
21.30 «Тақдирлар».
22.00 «Шалом».
22.30 «Бу ажиб дунё».
22.50—23.00 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

ЯКШАНБА, 24

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
7.30 «Ахборот».
7.50 — 8.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатувининг давоми.

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Санъат маскани». Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институтининг 50 йиллигига.
12.30 «Оила». Телевизион журнал.
13.10 «Цирк! Цирк! Цирк!».
13.55 Уйғун: «Ўлсам айрилмасман қучоқларингдан».
14.45 — 15.45 «Спортландия» (Беларусь) — «Қувноқ стартлар» меҳмони».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Олтин михча». Мультфильм.
18.10 Ўсмирлар учун. «Ўйла! Изла! Топ!».
19.05 «Ойнаи жаҳонда...».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Севги соҳили». Киноконцерт.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Дам олиш концерти.
21.50 «Шошилинч чақирув». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 — 01.00 Бобур: «Руҳи равоним — эътиқод».

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

10.00 Болалар учун фильм. «Юра даври боғидаги саргузашт».
10.30 «Оламнинг яратилиши».
11.00 «Тропиканка». Телесериал (Бразилия).
11.50 — 12.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.

***

17.00 «Палитра».
17.30 Эълонлар.
17.35 Видео — «О».
19.15 Эълонлар.
19.20 «Қурьер».
19.40 «...яна об-ҳаво ҳақида».
19.50 «Постфактум».
20.00 «Компьютер-Осиё».
20.30 Видео янгиликлари.
20.50 «Теле-ателье-шоу».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Даракчи».
21.15 Эълонлар.
21.20 — 23.00 Видео — «О».

ЎзТВ III

17.50 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
17.55 «Оқ йилқилар», «Бувимнинг сандиғи». Телефильмлар.

*

РОССИЯ ЖАМОАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 — 22.50

*

РОССИЯ ДАВЛАТ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
22.50 — 23.20

*

23.20 Эълонлар.
23.25 «Панорама».
23.50 — 00.15 «Эсдалик учун даст хат». В. Леонтьев.

ЎзТВ IV ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». Мультфильм.
10.30 «Менинг кўчам».
10.45 «Жонли сайёра».
11.30 «Кубачинск тўйлари». Телефильм.
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10—13.50 «Эртакларнинг сеҳрли олами».

***

18.10—19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Тихвин оҳанглари». Телефильм.
20.10 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.30 «Олам ва одам».
22.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.15 «Интерпартнёр».
23.05 «Бу ажиб дунё».
23.25 — 23.35 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

Биз билан бирга нусха кўчиринг!

КАМОТ-С ФИРМАСИ **Canon** нусха кўчириш машиналарининг янги оиласи билан таништирамиз

FC 230

FC 230
Қизиш учун вақт талаб этмайди. Бир дақиқада А4 4 нусха. Оғирлиги бор-йўғи 7 кг.
Баҳоси — 50.400 сўм.

NP 6012



NP 6012
Офис учун бекаму кўст нусха кўчириш машинаси. Бир дақиқада А4 12 нусха, қоғоз узатиш нови мавжуд, асл нусхаларни кичрайтириш-катталаштириш имконияти бор.
Баҳоси — 127000 сўм.

NP 6016



NP 6016
Қизиш учун вақт талаб этмайди ва автоматик тарзда электр тармоғидан ўчади. Бир дақиқада А3 гача 16 нусха, кичрайтириш-катталаштириш, А3 ва А4 учун қоғоз узатиш новлари кўзда тутилган.
Баҳоси — 217500 сўм.

NP 6025



NP 6025
Мураккаб офис ишлари учун юқори тезликдаги нусха кўчириш машинаси. Бир дақиқада А3 гача 25 нусха, қоғоз узатиш учун новлар ва ҳажм бункерлар мавжуд.
Баҳоси — 322000 сўм.

Шунингдек, хозиргача дунё бўйича кенг қўлланилаётган нусха кўчириш машиналари:

NP 1215 — 175000 сўм.
NP 1550 — 190000 сўм.
NP 6030 — 360000 сўм.
NP 4050 — 475000 сўм.
NP 6650 — 963000 сўм.

Диққат! Мижозлар учун хизмат кўрсатишнинг янги тури: буюртмалар пейджер бўйича қабул қилинади. Сервис маркази навбатчи пейджерларининг рақамлари — **864, 396**.

Бизнинг телефонлар: 41-30-51, 45-75-24; факс: 41-21-80

КОНТРАЦЕПЦИЯ (ИСТАЛМАГАН ҲОМИЛАНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ) ВОСИТАЛАРИ- БУТУН ЖАҲОНДАГИ МИЛЛИОНЛАБ АЁЛЛАР УЛАРГА ИШОНАДИЛАР.

ФАРЗАНДЛАР ТУҒИЛИШИ ЎРТАСИДАГИ ОРАЛИҚҚА РИОЯ ЭТИНГ УЧУН ХАВФСИЗ ВА САМАРАЛИ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ХОҲЛОВЧИ ОИЛАЛАР УЧУН.

Қуйидаги компаниялар "Қизил олма" рамзи бўлган дорихоналарда сотилаётган замонавий контрацептивлар (исталмаган ҳомиланинг олдини олиш воситалари) мавжудлигини таъминладилар.
"**Дори-дармон**" Тошкент, М. Мирзапўлатов кўчаси, 1-А,Тел. 48-27-74, 42-33-81.
"**Ўзбекистон-Иверсон ЛТД**" Тошкент, Фурқат кўчаси, 1 Тел. 45-12-49.
"**Фармед**", 700132, Тошкент, Ибрат кўчаси, 1. Тел.: 47-98-90, 47-98-94.
"**Жўрабек**" Тошкент, Олмазор даҳаси , 165 Тел.45-60-40,45-41-46.
"Қизил олма" дастури бўйича маҳсулотларнинг мавжудлиги ҳақидаги бундан кейинги ахборотларни олиш учун қуйидаги телефонлар бўйича қўнғирок қилинг:"Шеринг", Тошкент. С. Азимов кўчаси, 65 Тел.: 36-34-24, 33-37-30,
"**Апджон**" Тел.: 35-45-18.
"**Эджаджибаши**" Тел. 78-56-51.
"**Органон**" Тел. 46-74-05.
Батафсил ахборотларни олиш учун номлари юқорида келтирилган фармацевтика компанияларига ёки "Қизил олма" дастури офисига:
78-41-43 телефони бўйича қўнғирок қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ

SÜNDÜS

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Туркияда ишлаб чиқарилган турли-туман трикотаж материалларини, чарм туфли ва ботинкаларни ҳамда ҳар хил шоколад ва печеньеларни нақд пулга **СОТАДИ.**

Шунингдек, қўшма корхона буюртма бўйича хоҳлаган товарингизни Туркиядан келтириб бериши мумкин.

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 55-уй.
Мўлжал: Бешёғоч бозорининг ёни.
Телефон: 45-62-50.

ТАШКИЛОТ

Тошкентдаги омбордан Польшанинг "*Коинот*" шоколадли тортларини, кўк нўхотини, Бельгия, Италия "*ROYAL*" спиртини, Италиянинг "*Ponti*" ароқларини **СОТАДИ.**

Италия, Греция, Бельгия, Германияда ишлаб чиқарилган кенг турдаги озиқ-овқат, шампань виноси, ароқ, ликёр, вино ҳамда қандолат маҳсулотларининг **САВДОСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.**

Омборда нархи туширилган ксерокс, факс, компьютер ва калькуляторлар мавжуд.

Бизнинг манзил:
Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси,1.
Маълумотлар учун телефонлар:
45-55-65, 45-70-65.

UZBEKISTAN airways

СУРИЯГА — ХАРИД УЧУН

Алеппо — Сурияниг қадимий шаҳри бўлмиш Халабнинг европача номи бўлиб, у машҳур парча, нафис шойи ва гиламлар ишлаб чиқариш бўйича тан олинган марказ ҳисобланади.

Бу ўзига хос шарқий "Савдо маркази" ҳозир совға-саломлар харид этмоқчи бўлган сайёҳларнинг севимли масканига айланган. Кичик-кичик гумбазлар билан қопланган тор савдо расталарининг бутун бир йўлаклари қўшилиб, ягона тоғ узунлиги 1,5 километрдан ошувчи бозорни ҳосил қилган. Бу гавжум бозор маҳаллий аҳоли ва ҳамма жойдан сон-саноқсиз меҳмонларни ўзига жалб этмоқда.

Баҳоси нисбатан арзон, сифати эса дуруст бўлган моллар, авиачипталарнинг мақбул нархи — булар сизнинг кўнглингиздаги нарсалардир.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" авиакомпанияси
ТОШКЕНТ — АЛЕППО
йўналиши бўйича доимий қатновларни бажармоқда.

НУ-171р. , Ту-154,
шанба кунларида,
НУ-172р. ,
якшанба кунларида,

Тошкентдан учиш вақти — 12.45
Алеппога қўниш вақти — 14.00
Алепподан учиш вақти — 06.00
Тошкентга қўниш вақти — 12.50
(маҳаллий вақт бўйича)

БИЗ БИЛАН ПАРВОЗ ҚИЛИНГ!

Авиачипталарни расмийлаштириш масалалари юзасидан Авиачипталарни банд этиш ва сотиш мажмуасига мурожаат қилинг: 006, 54-38-37.

АВИАРЕКЛАМА

Эркатош ШУКУРОВА

ТАСКИН

Кўнгил бир қуш, учиб кеттиси келар,
Учиб қайларгадир еттиси келар.
Етарми йўлларда шамоллари бор,
Тўр ташлаган ёмон-ёмонлари бор.

Адашма қушгинам, ўтинчим сендан,
Олисга кетмагин бор тинчим сендан.
Кетсанг гар ёнаман, мен кул бўламан,
Шаъни йўқ пастларга мен тенг бўламан.

Кўнглим беҳи гулларин суйган,
Қизғалдоқлар суйган бу кўнглим.
Битта сенмас дунёда куйган,
«Баланд»лардан баланд бу кўнглим.

ЎТИНЧ

Умр дарахтидан ҳар кун бир япроқ,
Узилар истасак, истамасак ҳам.
Бирдан хазонга айланмасин-а,
Умримнинг дарахтин асранг ягонам.

Бир кун қалам қолса эгасиз,
Жим қолар сўз келмаса лабга
Бир муқаддас сирга эгамиз...
Мени кўминг мен суйган қалбга.

СИРЛИ НАВОЛАР

Боғлар зангор эди, зангор эди,
Чечаклар алвон эди, алвон эди,
Мен мафтун эдим, энг бахтли эдим,
Қўшиқларим янгроқ эди, қувноқ эди.

Мен кулардим, гуллар куларди,
Мен куйлардим, қушлар куйларди,
Борлиқ сархуш эди, жим тингларди,
Шодлигим чексиз эди, чексиз эди.

Суҳбатимиз тугади бугун...
Ҳайрон, лол сукутда қолдим.
Ўйим, куйим қалбимда тугун,
Ҳижронда қолдим, толдим, толдим...

***

Сенинг ёдинг билан кунлар ўтади,
Ҳижронли тунлардан ўлмай чиқаман.
Сен — осмон, мен — ойман,
Сенсиз кечалари тўлмай чиқаман.

Менга сирдош , менга дардкаш,
Қўлларимдан тутганча йўлингга
Бўй чўзиб қарайди
Самарқанднинг миноралари,
Қўрқаман, оҳ, қўрқаман,
Мендан аввал чиқиб
Яна йўлингга,
Йўл кутмасин,
Гул тутмасин,
Дил тутмасин
Самарқанднинг ўзга дилдорлари...

КЕТМА

Сарғаядир чаманлар ғариб,
Йиғлар қалбда армонлар ғариб,
Ором топмас бу жонлар ғариб,
Кетма, баҳор, кетма боғлардан.

Гўзаллардан сен сара, дейсан,
Дил бўлмасин ҳеч яра, дейсан.
Гар кўзларга тик қара, десанг,
Кетма, баҳор, кетма боғлардан.

Хаёлларим сен билан кетар,
Қувончларим оҳ, сенсиз йитар,
Қўшиқларим қалбимни йиртар,
Кетма, баҳор, кетма боғлардан.

Менга ойсиз осмон керакмас,
Менга сенсиз жаҳон керакмас,
Эркатошга бу жон керакмас,
Кетма баҳор, кетма боғлардан.

Спорт

ЗИКО КЎТАРГАН ҚУРЪА

· ПАРИЖДА 1998 йили ўтказиладиган жаҳон чемпионати иштирокчилари ўртасида қуръа ташланди.

Ўзига хос байрамга айланган маросимда мамлакат Президенти Жак Ширак ҳам қатнашди. Саралаш баҳсларида 172 мамлакат иштирок этадиган бўлди. Осиё ва Океания мамлакатлари терма жамоаларининг тақдири франциялик моҳир автопойгачи Ален Прост билан бразилиялик футболчи Зико кўтарган қуръага боғлиқ эди. Ҳайтовур бу спортчиларнинг қўллари енгил келиб, Ўзбекистон миллий терма жамоаси нисбатан осонроқ гуруҳда куч синашадиган бўлди. Хусусан, футболчиларимиз Камбоджа, Индонезия, Яман ва Миср Араб республикаси жамоалари билан майдонга тушадилар.

ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ

· СПОРТ журналистлари мамлакат миллий чемпионатининг «Энг яхши футболчиси» номини аниқладилар.

Бу сафар 50 очко тўплаган «Навбаҳор» жамоасининг ҳужумчиси Олег Шацких «Энг яхши футболчи», номига сазовор бўлди. Ундан 10 очко ортда қолган пахтакорчи Дилмурод Назаров билан ярим ҳимоячи Сергей Лебедев («Нефтчи») 34 очко тўплаб иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛИШДИ

· КИЕВДА кикбоксинг бўйича ўнинчи марта ўтказилган жаҳон чемпионати якунланди.

Қизиқарли ўтган бу галги мусобақада 50 га яқин мамлакат вакиллари ўзаро беллашди. Полвонларимиздан Олмос Юсупов билан Сергей Воронов чемпион номига сазовор бўлишди. Акмал Зокиров, Алмурод Бақоев, Игорь Илкаев кумуш медаль олишган бўлса, Николай Слончеков билан Наталья Яшинага бронза медаллар насиб этди. Спортчиларимиз Франция, Украина, Польша ва Россиядан кейин умумжамоа ҳисобида бешинчи бўлишди.

Қайтар дунё

ҚАРҒИШЛАРНИНГ КЎЗИ ТЎҒРИМИ?

Бундан анча йил олдин 13 ёшли фарғоналик Ақида исмли қизчадан дардли бир мактуб олгандим.

— Дадамни жуда яхши кўраман. У киши — мактабда муаллим. Баъзан ўзим билмаган ҳолда жаҳлларига тегиб қўяман. Унчалик ваққон эмасман-да, қилган юмушларимни ҳар доим ҳам ёктиравермайдилар. Шунда дарров ойимга бақира бошлайдилар: «Бу қизинг одам бўлмайди! Мана, мени айтди дерсан, бахти қаро бўлади!.. Эридан калтак еб умри ўтади!». Гоҳо бир-икки тарсаки тортишлари ҳам мумкин. Онам бечора: «ундай қилманг, жон дадаси! Оталар қизларига қўл кўтарса ёмон бўлади-я!» —деб ялинсалар, менга аталган калтакнинг айримлари онажонимнинг бошларида синади. Шунақа пайтларда ўзимни ёмон кўриб кетаман. Онамга раҳмим келади. Илгарилари бундай воқеалар тез-тез такрорланса ҳам кўпдан аҳамият бермасдим. Яқинда, ота қарғиши — ўқ» деган гапни эшитиб қолдим. Шу гап тўғрими? Энди мен ростдан ҳам бахти қаро бўламанми!

Ўша хатга вақтида жавоб ёзолмадим. Унга бирор тасалли ёки дурустроқ маслаҳат тополмадим. Лекин Ақиданинг дарди, ҳақли ва азобли саволи ҳалигача дилимни тирнайди. Ҳозир у 19—20 ёшларда бўлса керак. Бахтлимикин! Ёки отажониси «башорат» қилганидек... Йўқ-йўқ, худо кўрсатмасин!

Дарвоқе халқимизда «қарғиш теккан банда» деган гап ҳам бор-а... Бир томондан қарғишга қолиб кетишдан қўрқиб яшаган ҳам дуруст. Қарғишларнинг тури кўп... Улар менга хунук ва кўркинчли ҳодисалар жарчисидек туюлади. Шунчалик хатарли «башорат»лар нега энди оддий сўз сингари оғизнад бир зарб билан чиқиб кетавераркан-а? Одамзод қарғишдан олдин кимни ва қайси гуноҳи учун қарғаётганини ўйлаб кўрмасмикин!

Дугоналаримдан бирининг қўшниси 4 яшар ўғилчаси билан ёлғиз турарди. Жуда хушрўй ва ёқимтой аёл экан. Хотинини барвақт тупроққа бериб қўйган бир одам меҳрибонларининг маслаҳати ва тавсияси билан ўша жувонга харидор бўлди. Турмуш қурган кишилар эмасми, бир-бирларини анча синашди. Буни қарангки, тўйга бир ҳафтагина қолганда бўлғуси куёв ўз-ўзидан жим-жит бўлиб кетди. Аёл ҳайрон. Ҳамма иш жой-жойида қолди...

Кейинроқ маълум бўлишича, ҳалиги киши жувонникига кела туриб — зинада унинг қақирган овозини эшитиб қулоқ солиб турса, ўша чиройли аёл ўғилчасини оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб қарғаётган экан. Шу заҳоти эркак — ўзининг она сути оғзидан кетмаган боласигаки, шунчалик аёвсиз бўлган хотин менинг бўй кўрсатиб қолган фарзандларимга оналик қила олармиди, деган ваҳима билан бу эшикка бошқа қадам босмайдиган бўлиб, изига қайтиб кетибди. Кўнгил нозиклиги инсон ҳаётини бир зумда остин-устун қилиб юборишга қодир экан-да! Эҳтимол, бу қарғишнинг оқибатидир. Замон ўзгараяпти, илгарилари қирқ йилда, қирқ кунда қайтган бўлса, ҳозир қирқ лаҳзага ҳам қолмай...

Тинглаб турдим сизни индамай
Ўқдай учди қарғишларингиз.
Тўппончадай отилди тинмай
Бир мулойим товушларингиз.

Тилингизни тилган қарғишлар —
Энг аввало кўкка учаркан.
Яратгандан олиб олқишлар —
Сўнгра ерга қайтиб тушаркан.

Қарғишларнинг кўзи тўғридир
Ҳаққа тушмас — зинҳор унутманг.
Менинг кўнглим ўзимдан тўқдир —
Таҳликаю жазава кутманг.

Кулолмайди ҳеч кимса сиздай —
Бахтингизни берсин худойим.
Қарғишингиз ўтли юлдуздай —
Осмонларда қолсин илойим!..

Ишқилиб, қарғишларнинг кўзи тўғри бўлсин, худабеҳуда айтилганлари осмонларда қолиб кетсин. Оналарнинг қарғишлари эмас — дуолари ижобат бўлсин!

Балки қўшни аёл ўша воқеадан сўнг боласини қарғаш турсин бирор хунукроқ сўз айтишга, ҳатто овозини баландлатиброқ гапиришга ҳам ботинолмай қолгандир! Кошкийди, шундай бўлса... Момоларимиз кичкинтойларини номаъқул иш қилиб қўйсалар, «Балога йўлиққур!» деб эмас, «Уйингга бўғдой тўлгур» ёки «Боласи тушмагур», «Барака топгур» деб дашном беришган-ку! Балки вақти келиб унинг ҳам тиллари шундай ширин каломларни айтишга ўрганиб кетар!...

Бир қизни биламан. Ёши қирққа яқинлашган. Ҳалигача ўзига муносиб куёв ахтаради. Бир одам «Хотинимни қўйиб сизга уйланаман» деб тўрт йил ишонтириб юриб, охир-оқибатда ташлаб кетганлиги учун унинг тилидан тинмай қарғиш тўкилади: «Илойим, боласи ўлсин! Ўғилларининг гўридан илон чиқсин!» ва ҳоказо. Ён-веридагилар: «Нега болаларини қарғайсиз? Уларда нима гуноҳ! Ўзини қарғанг!» дейишса, «Йўқ! Мен боласини қарғайман. Ўша шўртумшуқларни деб мени ташлаб кетди. Боласи ўлсин! Улар ўлса, кўпроқ қийналади!» — деб баттар авжга чиқади..

Хуллас, ўша аламзада қизни ҳеч ким шаштидан қайтаролмади. Эҳтимол, ҳозир ҳам тунларни қарғиш билан қорайтираётгандир.

Дунё қизиқ-да! Кимдир шеърдан, кимдир қўшиқдан қувонч топади. Биров ароқ ичиб, биров бозорга бориб роҳатланади. Наҳотки, қарғаб ҳам хумордан чиқиш мумкин бўлса!

Одамзот машъум сўзларни, хунук ҳақоратларни, қўрқинчли қарғишларни тилга олишдан ўзини тийса нима бўларкин ёки фаришталар яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам «омин»! дейишларини унутиб қўйдикмикин!

Яқинда Ақиданинг мактуби ёдимга тушиб, бир зиёли опага гапириб бersам, у чуқур хўрсиниб: «Тўғри, қизларни ҳаммадан ҳам кўпроқ оталари, акалари эъзозлаши, авайлаши керак. Болалигимизда мени ҳам дадам арзимаган нарса учун бир марта тарсакилаб юборувди. Ўша воқеа эсимга тушса, юрагим бир парча музга айланиб қолгандек бўлади. Оналарнинг қаттиқ-қуруқ гаплари ҳам, ҳатто унча-мунча туртиб турсалар ҳам негадир билинмайди, назаримда...»

Кексалар, отанинг қиздан, аканинг сингилдан қарзи кўп дейишади. Чиндан ҳам, қизлар отанинг уйида меҳмон-да! Ўша азиз меҳмонга бахтиқароликни раво кўриш ният қилиш инсофданмикан! Тақдирнинг ҳукми — амри вожиб. Қисматдан қочиб бўлмайди. Бошига мушкул иш тушган пайтда қиз шўрликнинг қулоғида отасининг совуқ сўзлари жаранглаб турса — ўлганнинг устига чиқиб тепган бўлмайдими! Унинг бир дардига минг дард қўшилмайдими?

Агар падари бузруквор деб аталмиш муҳтарам зот ўз пушти камаридан бўлган фарзандидан ранжиса, албатта, ҳақоратлаш ёки қарғаш шарт эмас. Буни ифодалашнинг бошқачароқ йўллари ҳам бор. Фарғона водийсининг кўп ҳудудларида оталар ўғилларини «сен»ласалар-да қизларига «сиз»лаб мурожаат қиладилар. Бу гўзал удумнинг замиридаги ҳикмат ҳақида ҳам бир ўйлаб кўрайлик-чи...

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

«ОЙНАЧИЛИК» ЛАТИФАЛАРИ

· Аёзли кунларда шишадошларнинг «мавсуми» ҳам авжига чиқади, десак муболаға бўлмас. Боиси, «ойначилар» аччиқни-аччиқ кесар қабилида иш тутиб, совуққа «қарши» курашгандек бўладилар. Улар орасидаги латифалар ҳам кулгили.

***

Кайфи тароқ бир киши йўловчилардан сўрармиш:

— Марҳамат қилиб айтингчи, кучанинг нариги томони қаёқда?

Унга курсатиб қўйишди:

— Одамларга ҳам ҳайронсан, у ёққа борсам, кучанинг у юзи бу ёқда дейишган эди...

***

Эр-хотин зиёфатдан қайтишаётганди. Хотини:

— Зиёфатнинг бошидан охиригача фақат бир нарса ҳақида валдираб ўтирдинг. Ишқилиб, сенинг ичмаганингни ҳеч ким сезмаган бўлсинда...

***

— Ду-с-тим, — айтчи: Африкада ҳам бизга ўхшаб отишадими?

— Бўлмасамчи.

— Бизга ўхшаб дегин-а. Демак, уч кишига уюштиришар экан-да.

— Ҳа-да, фақат иккиси ичади-ю, учинчиси газак қилиб қўя қолади.

***

Шифокор беморни кузатар экан:

— Азизим, мен сира ташхис қўя олмаяпман. Бу ҳаммаси ичкиликдан бўлса керак.

— Ов-в мен сизни тушунаман, доктор. Бўлмаса ҳушёр бўлганингизда ҳузурингизга кирарман...

ДИҚҚАТ: КИМ ОШДИ САВДОСИ!

Республика Давлат мулкини бошқариш қўмитаси ва Тошкент шаҳар кўчмас мулк биржаси биргаликда 20 ва 25 декабрь кунлари навбатдаги ким ошди савдоларини ўтказадилар.

САВДОГА ҚУЙИДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

Акмал Икромов тумани "Изза" даҳасида жойлашган 1та ер участкаси. Ер майдони — 400 кв.м. Ер участкаси умрбод эгалик қилиш учун берилади.

Бошланғич нархи — 85.000 сўм.

Акмал Икромов тумани,"Изза-2" даҳасида жойлашган 16 та ер участкаси. Ҳар бирининг ер майдони — 400 кв.м. Ер участкалари умрбод эгалик қилиш учун берилади.

Бошланғич нархи — 65. 000 сўм.

Акмал Икромов тумани, Х. Турсунқулов кўчасида жойлашган 15та ер участкаси. Ҳар бирининг ер майдони 400 кв. м. Ер участкалари умрбод эгалик қилиш учун берилади.

Бошланғич нархи — 80. 000 сўм.

Акмал Икромов тумани, Гулистон ва Алгоритм кўчаларининг кесишган жойида жойлашган 13 та ер участкалари. Ер участкалари умрбод эгалик қилиш учун берилади. Ҳар бирининг ер майдони 400 кв.м.

Бошланғич нархи — 65. 000 сўм.

Мирзо Улуғбек тумани, Ж. Обидова кўчаси, 298-уйда жойлашган ижара ҳисобидаги "Хусайни" дўконининг биноси. Умумий майдони 220,5 кв.м.

Бошланғич нархи — 623. 331 сўм.

Акмал Икромов тумани, "Ўрикзор"мавзесидаги қурилиши тугалланмаган 12-сонли коттеж. Умумий майдони 402,5 кв.м. Ер майдони 600 кв.м.

Бошланғич нархи — 1.300.000 сўм.

Юнусобод тумани, Новомосковская кўчаси, 42/2-уйда жойлашган "Ўзбексельмаш" заводи ётоқхонасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қаватлари.

Бошланғич нархи — 6. 000. 000 сўм.

Сирғали туманидаги монолит блокли уй-жой комбинати базасининг биноси.

Бошланғич нархи — 19. 772 .360 сўм.

Тошкент тумани, Ҳасанбой қишлоғидаги база.

Собир Раҳимов туманидаги Тошкент тажриба-механика таъмирлаш-синовдан ўтказиш заводига қарашли профилакторий биноси.

Юнусобод туманидаги мева-сабзавот сақланадиган омборхона биноси.

Шайхонтоҳур туманидаги "Ўзэлтехсаноат"га қарашли "Б" майдончаси.

"Ўртаосиётранскурилиш" трестининг ишлаб чиқариш комбинатига қарашли бино.

Сирғали тумани, Қурувчилар мавзесидаги 30-ётоқхона биноси.

Яккасарой тумани "Текстильмаш" заводига қарашли 69-корпус биноси.

Юнусобод туманидаги "Юлдуз" ҳиссадорлик жамиятининг ўқув корпуслари биноси.

Бектемир туманидаги "Ўзқишхўжатаъминоттаъмир" қўмитасига қарашли бино.

"Қурилишмеханизацияси" тажриба бирлашмасининг Сазаулқ кўчаси, 3-уйдаги 640 ўринли пионерлар лагери.

Раҳимбобоев — Обводная кўчалари муюлишидаги 9 қаватли уй-жой биноси.

"Тошуйжойинвестқурилиш"га қарашли 6-механизация бошқармасининг ишлаб чиқариш базаси.

Собир Раҳимов туманидаги ҳажм-блокли уйсозлик комбинатининг компрессорлик станцияси.

"Ўзсутаъмирқурфойдаланиш" республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг 24 хонадонли уй- жой биноси.

"Ўзбеккомуналлойиҳа"институтининг 24 хонадонли 4 қаватли уй-жой биноси.

Абдулла Тўқай кўчасидаги 46 хонадонли уй-жой биноси.

Брест кўчасидаги 40 хонадонли уй-жой биноси.

Шайхонтоҳур туманидаги Муҳандислик тармоғидаги бункерлар корпуси.

Ҳамза туманидаги буюмлар ва материаллар сақлаш омбори.

Миробод тумани "Госпитальная"микрорайони, 12-уй, 8-қаватда жойлашган тўрт хонали 94-сонли турар-жойи. Умумий майдони — 95,7 кв.м.

Бошланғич нархи — 800. 000 сўм.

Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 7-уй, 5-қаватда жойлашган уч хонали 10-сонли турар-жой. Умумий майдони — 108 кв.м.

Бошланғич нархи — 900. 000 сўм.

Ким ошди савдосига юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин. Тўлов шакли турли йўллар билан амалга оширилади. Ер участкалари бўйича тўлов нақд пул билан амалга оширилади.

БРОКЕРЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Кўчмас мулк, савдо, уй-жой бинолари, автотранспорт воситалари, омборлар ва ускуналарни сотиш бўйича Тошкент кўчмас мулк универсал биржасига мурожаат этинг. Ҳар ҳафтанинг ЖУМА КУНЛАРИ ўтказиладиган биржа савдосида қатнашишни кўлдан бой берманг! Шунингдек, Тошкент кўчмас мулк универсал биржасида брокерлик ўрнини сотиб олишингиз ҳам мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси 13, 1-қават, 1-хона.
Телефонлар: 44-53-77, 44-53-68.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки эркин муомаладаги валютада янги омонат турларини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Валюта омонатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида доимий равишда истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар томонидан ҳам очилиши мумкин.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатларга йилига 2 фоиз, муддати камида 1 йил бўлган "муддатли" омонатларга эса 4 фоиз миқдорида эркин муомаладаги валютада даромад тўланади.

"Талаб қилиб олинадиган" омонатга камида 200 АҚШ долларига тенг миқдорда эркин муомаладаги валюта қўйиш ёки нақд пулсиз ўтказиш кифоя.

Тўлиқ маълумотларни Халқ банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 45-35-41, 33-51-95.

Халқ банки Сизнинг хизматингизда!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ

Аломат гаплар

ЧОЛНИ КЎРИБ...

Нью-Йоркдаги осмонўпар биноларнинг бирида юқорига лифтда кўтарилаётган немис турист аёли ўзига ҳамроҳлик қилган ҳабаш йигитдан чўчиб, саросимага тушди. Вақтни бой бермай, аёл йигитнинг оёғига бош уриб: «Мени афу этинг» деб ёлвора бошлади. Бундай манзарани кўрган йигит унга ҳеч нарса қилмоқчи эмаслигини қанчалик тушунтирмасин фойдаси бўлмади. Ҳайтовур лифт яшиклари очилиб, йигит ташқарига чиқди. Ташқарида эса бир гуруҳ қизлар уни ўраб олишди. Улар зўр бериб, дастхат ёзиб беришини йигитдан сўрашарди. Маълум бўлишича аёл «муттаҳам» деб ўйлаган бу йигит машҳур қизиқчи Эдди Мерфи экан. Бечора артист аёлни чўчитиб юборгани учун товонига меҳмонхона харажатларини кўтаришга розилик берди.

ДАРОЗНИНГ БОЙЛИГИ

Маълум бўлишича, жаҳондаги дароз йигитлардан бири, машҳур баскетболчи Майкл Жордан «Форбс» журналида эълон қилинган маълумотномаларга қараганда йилнинг энг бойвачча спортчиси бўлиб чиқди. Унинг ойлик маошларининг ўзи 3,9 миллион долларни ташкил этаркан. Бунинг устига баскетболчи реклама ҳисобидан яна 40 миллион доллар ишлаган. Иккинчи ўринни эса машҳур боксчи Майк Тайсон эгаллаб турибди. Унинг ҳисобида 40 миллион доллар бор.

«Тафаккур» журнали таҳририяти журнал бўлим мудири шоир Муҳаммад Юсуфга отаси **Юсуф ота СОТВОЛДИЕВ**нинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

«Ўзпахтасаноатсотиш» уюшма жамоаси уюшма раисининг муовини Мухторжон Акбаровга акаси **Тошпўлат ЙЎЛДОШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Роҳат» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси мазкур жамиятнинг собиқ бош раҳбари **Ғуломқодир ОДИЛОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва барча қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

CUKURS-BIZNESS
ЦУКУРС-БИЗНЕС

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ:

Бизнинг шакар етказиб бериш шартномамизга ҳиссадор бўлсангиз, сиз ҳар ойда 20 фоиздан 27 фоизгача фойда олишингиз мумкин.

1000 сўмингиз бир ой ичидаёқ 1200 сўмга кўпаяди.

Ҳар бирингиз биз билан ҳамкорликда маблағ ишлаб топишингиз мумкин.

Бунинг учун фақат кўнгироғингиз кифоя!

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли (аввалги Урицкий) кўчаси, 6-уй, 101-хона. Телефонлар. (3712), 34-00-98, 34-05-07

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс: 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда -- 5-27-11; Бухородa -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-12-56; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида -- 3-25-79; Қумқўрғонда -- 5-26-24.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. · Ҳажми 2 босма табоқ. · Г.-- 0546.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21. 30.

1 2 3 4 5 6.